

Унинг бу амалидан афзалроқ ишни ҳеч ким қила олмайди

08:41 / 17.12.2018 3953

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ким:**

??

??

??

«**Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ѓала кулли шай`ин қодийр»,** деб бир кунда юз марта айтса, ўнта қул озод қилган баробарида бўлибди. Унга юзта ҳасанот ёзилиб, юзта ёмонлиги ўчирилади, кеч киргунича шайтондан омонда бўлади. Унинг бу амалидан афзалроқ ишни ҳеч ким қила олмайди. Фақат шу калималарни кўпроқ айтган киши ўзиб кетиши мумкин», дедилар.

Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.

Имом Нававийнинг “Ал-Азкор” китобидан